



# Халқ сўзи

Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • WWW.XS.UZ • E-mail: Info@xs.uz • 2020 йил 1 январь, № 1 (7503) Чоршанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.



## ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚИГА ЯНГИ ЙИЛ ТАБРИГИ



Азиз ватандошлар!

Мана шу қувончли лаҳзаларда сиз, азизларни, кўп миллатли бугун халқимизни Янги йил байрами билан чин қалбимдан муборакбод этаман! Барчангизга сихат-саломатлик, оилавий бахт тилайман!

Ўтиб бораётган йил мамлакатимиз учун унутилмас воқеаларга бой бўлди. Турли қийинчилик ва синовларни ҳам бошимиздан кечирдик.

Халқимизнинг фидокорона меҳнати билан Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йилида улкан ютуқларга эришдик. Мамлакатимиз салоҳияти ва рақобатбардорлигини ошириш йўлида янги қадамлар қўйилди.

Иқтисодий тизимнинг етакчи соҳа ва тармоқлари жадал ривожланмоқда. Юқори технологияларга асосланган замонавий

корхоналар, янги транспорт тизимлари ишга туширилмоқда.

Миришкор деҳқон ва фермерларимиз, мураккаб об-ҳаво шароитига қарамаздан, мўл ҳосил етиштирилди.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликка кенг йўл очилди.

Йил давомида ҳудудларда аҳоли, айниқса, ёшларимиз, хотин-қизлар учун кўплай янги иш ўринлари яратилди.

Давлат дастурлари асосида шаҳар ва қишлоқларимиз, юртимиз қиёфаси бутунлай ўзгармоқда.

2019 йилда минг-минглаб юртдошларимиз, жумладан, кам таъминланган оилалар шинам уй-жойларга эга бўлдилар.

Илм-фан, таълим ва тарбия соҳасида туб бурилиш даври бошланди. Янги-янги боғча ва мактаблар, олий ўқув

юртлари, етакчи хорижий университетларнинг филиаллари, шифохоналар, маданият ва спорт масканлари бунёд этилмоқда.

Энг муҳими, одамларимизнинг ҳаёт даражаси, Ватан тақдирига дахлдорлик туйғуси, эртанги кунга ишончи тобора кучаймоқда.

Жамиятимизда демократия тамойиллари, очиқлик ва эркинлик муҳити чуқур қарор топмоқда.

Куни кеча Олий Мажлис ва маҳаллий Кенгашларга бўлиб ўтган сайловлар бундан яққол тасдиқлади. Сайловлар Ўзбекистон демократик тараққиёт йўлидан ортга қайтмаслигини яна бир бор исботлади.

Мустақиллигимиз, оқсоғида ҳаётимиз кафолати бўлган Қуроли Кучларимизнинг жанговар салоҳияти мустаҳкамланмоқда.

Тинчликсевар ва амалий ташқи сиёсат

олиб бораётган давлатимизнинг халқаро майдондаги обрў-этибори ортиб бормоқда. Мухтасар айтганда, 2019 йил янги Ўзбекистон тарихида ҳар томонлама ёрқин из қолдирмоқда.

Хурматли юртдошлар! Биз миллий юксалишнинг муҳим босқичига қадам қўймоқдамиз.

2020 йилда ҳам иқтисодий ва ижтимоий соҳаларда кенг кўламли ислохотларимизни фаол давом эттираемиз.

Хусусий мулк, тадбиркорлик ва бизнес учун янада қулай муҳит яратишга, янги иш ўринлари ташкил этишга алоҳида аҳамият қаратамиз. Иш ҳақи, пенсия, стипендия ва нафақаларни, аҳоли реал даромадларини кўпайтириш эътиборимиз марказида бўлади.

Одамларимизнинг яшаш шароитини, коммунал-маиший хизмат сифатини яхшилаш, арзон ва қулай уй-жойлар қуриш бўйича бошлаган ишларимизни янада кенгайтираемиз.

Фарзандларимизга муносиб таълим ва тарбия беришга, уларнинг қобилият ва истеъдодини рўёбга чиқаришга барча куч ва имкониятларимизни сафарбар этамиз.

Аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш, соғлом турмуш тарзини қарор топтиришга қаратилган ишларимиз янги босқичга кўтарилади.

Нуроний фахрийларимиз, мунис опасингилларимизга эътибор ва ғамхўрликни янада кучайтираемиз.

Ижтимоий ҳимоя ва кўмакка муҳтож юртдошларимизни доимий кўллаб-қувватлашга биринчи даражали аҳамият берамиз.

Тинчлик ва барқарорликни, жамиятимизда ўзаро ҳурмат ва аҳуллиқни мустаҳкамлаш асосий вазифамиз бўлиб қолади.

Бу борада дунё ҳамжамияти, аввало, ён қўшилари билан самарали ҳамкорликни ҳар томонлама кучайтираемиз.

Азиз юртдошларимиз, қадрдонларим! 2020 йил ҳар бир оила, ҳар қайси хонадонга қут-барақа, бахт ва омад олиб келсин!

Барча эзгу мақсадларимиз рўёбга чиқсин! Жонажон Ўзбекистонимиз гуллаб-яшнасин!

Янги йил барчамизга муборак бўлсин!

**Шавкат МИРЗИЁЕВ,**  
Ўзбекистон Республикаси  
Президенти

Ўзбекистон Республикаси Президенти  
Матбуот хизмати сурати.

## РАҚАМЛАР ЭМАС, НАТИЖА МУҲИМ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 2019 йилнинг охириги иш кунинда парламент палаталари раҳбарлари, ҳукумат аъзолари, вазирлик ва идоралар мутасаддилари билан учрашиб, йил ақунларини сарҳисоб қилди, 2020 йилги муҳим вазифаларни белгилаб берди.

Мамлакатимизда барча соҳада дадил ислохотлар амалга оширилмоқда. Иқтисодий тармоқларини замон талаблари асосида модернизация қилиш, ҳудудлар имкониятларини тўла юзга чиқариб, аҳоли фаровонлигини оширишга қаратилган ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинмоқда.

Ташаббус ва тақдирлар кўллаб-қувватланиб, молиявий, ташкилий жиҳатлари халқ қилиб берилмоқда.

Бундай кенг кўламли ишлар натижаси ҳар бир жабҳада сезилаяпти. Илгари иложсиздек туюлган масалаларга энчм топилмоқда. Энг муҳими, халқнинг турмуш шароити яхшиланимоқда, оддий одамлар давлатдан, ҳаётдан рози бўляпти.

Юртимиздаги ўзгаришларни жаҳон ҳамжамияти ҳам тан олмоқда. Хусусан, дунёдаги энг нуфузли нашрдан бири бўлган Буюк Британиянинг "The Economist" журнали Ўзбекистонни 2019 йилда энг жадал ислохотларни амалга оширган давлат — "Йил мамлақати" деб эътироф этди.

Шунингдек, Жаҳон банкининг 2019 йилги "Бизнес юритиш" рейтингига ҳам Ўзбекистон энг илғор ислохотчи мамлакатлар қаторидан ўрин олди.

Бундай муваффақиятлар 2020 йилда ҳам давомли бўлиши, янада яхшиланиши учун тармоқлар ва ҳудудларни ривожлантириш бўйича

қабул қилинган қарорларни бажариб, энг юқори натижаларни таъминлаш лозим.

Давлатимиз раҳбари бугун эришилган натижалар ҳали марра эмаслигини, олдимизда аҳолининг турмуш шароитини янада яхшилаш, мамлакатимизнинг иқтисодий кудратини ошириш, имкониятлардан кенгроқ фойдаланиш учун 2020 йил синовий йили бўлишини таъкидлади.

Йигилишда 2019 йилда йўл қўйилган хатолардан тўғри хулоса чиқариб, 2020 йилга белгиланган амалга ошириш, масул ижрочилар ва муддатларни белгилаб олиш зарурлиги таъкидланди.

Шунингдек, бевосита жойларга бориб, уларнинг ижросини ташкил қилиш ва доимий назоратни таъминлаш кераклиги қайд этилди.

Вазирлар Маҳкамаси ижро ҳокимияти фаолиятини самарали ташкил этиб, ҳар бир вазирлик, давлат кўмитаси ва бошқа идораларнинг 2020 йил ҳар чораги учун фаолият самарадорлиги кўрсаткичларини ишлаб чиқиши ва ижросини катъий назоратга олиши зарурлиги таъкидланди.

Келаси йилда давлат корхоналарини самарали бошқариш ва иқтисодийда давлат улусини камайитириш бўйича жиддий ўзгаришлар қилиш зарурлиги таъкидланди.

Инвестиция дастуридаги

инфратузилма объектларини қуриш ва ишга тушириш бўйича янги тизим жорий этиш, транспорт, айниқса, темир йўл ва авиация соҳасида бошланган ислохотларни жадаллаштириш вазифаси қўйилди.

Курилиш-пудрат ва лойиҳа бозорини тартибга солиш, бу бозорда эркин рақобат муҳитини ва замонавий шахарсозлик меъёрларини жорий этиш, қурилишнинг арзонлаштириш бўйича топшириқлар берилди. Шу билан бирга, ичимлик суви, иссиқлик таъминоти соҳасидаги долзарб вазифаларни амалга ошириш зарурлиги қайд этилди.

Макроиқтисодий барқарорликни таъминлаш, инфляцияни пасайтириш, нарх-навоми шакллантиришни тўлиқ бозор муносабатларига ўтказиш, эркин рақобат муҳитини яратиш бўйича кўрсатмалар берилди.

Шунингдек, истеъмол товарлари, айниқса, озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва ҳаражатларни камайитириш орқали нарх-навонинг кескин ошишига йўл қўймаслик лозим.

Банк соҳасидаги ислохотларни давом эттириш, қулай ва сифатли банк хизматларини кенгайтириш ҳам муҳимлиги таъкидланди.

## ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ТУРКИЯ ПРЕЗИДЕНТИ БИЛАН ТЕЛЕФОН ОРҚАЛИ МУЛОҚОТИ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 31 декабрь кун Туркия Республикаси Президенти Режеп Таййип Эрдуғон билан телефон орқали мулоқот қилди.

Давлат раҳбарлари кириб келаётган Янги йил билан бир-бирларини самимий кутладилар.

2019 йил мамлакатларимиз ўртасидаги дўстлик ва стратегик шериклик муносабатларини мустаҳкамлашда муҳим бўлгани мамнуният билан таъкидланди. Ўзбекистоннинг Туркий тили давлатлар ҳамкорлик Кенгашига тўла ҳуқуқи аъзо сифатида киришининг тарихий аҳамияти қайд этилди.

Турли даражадаги алоқалар сезиларли фаоллашди, ўзаро манфаатли савдо-иқтисодий ва инвестициявий ҳамкорлик изчил ривожланмоқда, истиқболли қўшма лойиҳалар

амалга оширилиб, илмий-техник ва маданий-гуманитар алмашинувлар кенгаймоқда.

Мулоқотда Президентлар бўлажак олий даражадаги учрашувлар сиёсат, иқтисодий, транспорт коммуникациялари, туризм, таълим, соғлиқни сақлаш ва бошқа йўналишлардаги ўзаро манфаатли шерикликни янада мустаҳкамлаш учун муҳим аҳамият касб этишини таъкидладилар.

Шунингдек, халқаро ва минтақавий аҳамиятга молик масалалар юзасидан фикр алмашилди.

Ў.А.

Қутловлар келиши давом этмоқда.

## ҚОҒОЗБОЗЛИК ВА БЮРОКРАТИЯГА ЗАРБА



Президентнинг "Бюрократик тўсиқларни янада қисқартириш ҳамда давлат органлари ва ташкилотлари фаолиятига замонавий бошқарув тамойилларини жорий қилиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорига мувофиқ

**2020 йил 1 январдан бошлаб**

- ✓ маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларининг алоҳида функция ва ваколатлари тегишли давлат бошқаруви органларининг ҳудудий бўлинмаларига **ЎТКАЗИЛМОҚДА;**
- ✓ маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларининг қатор функция ва ваколатлари **ЧИҚАРИБ ТАШЛАНМОҚДА;**
- ✓ давлат органлари ва ташкилотлари **28 ТУРДАГИ ҲУҶЖАТЛАРНИ** фуқаролардан талаб қилиши, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан уларнинг берилишига йўл қўйилмайди;
- ✓ Президент ва ҳукумат ҳужжатлари билан тузилган алоҳида идоралараро коллегиял органлар **ТУГАТИЛМОҚДА.**

**2021 йил 1 январдан бошлаб** давлат органлари ва ташкилотлари, уларнинг таркибий бўлинмалари ўртасида ҳужжат айланиши ҳамда ҳисоботларни юритиш фақат электрон кўринишда шакллантирилади ва амалга оширилади.



Адлия вазирлиги маълумотлари асосида тайёрланди.

# РАҚАМЛАР ЭМАС, НАТИЖА МУҲИМ

Халқимизнинг тадбиркорлик ташаббусларини ошириш, боқимандлик кайфиятидан халос этиш масалаларига ҳам эътибор қаратилди. Мамлакатимизда қўлай бизнес муҳитини яратиш, жумладан, солиқ маъмуричилигини янада такомиллаштириш, ахборот технологияларини кенг қўллаш ва инсон омилини максимал қисқартириш зарурлиги таъкидланди.

вазифалиги кўрсатиб ўтилди. Ешларни, айниқса, қизларни оилавий ҳаётга тайёрлашга эътиборни кучайтириш зарурлиги қайд этилди. Президентимиз таъкидлаганидек, оила олдидаги масъулиятни англаш, психологик тайёргарлик ва оиладаги муносабатларни тўғри ўрнатиш, оилада соғлом муҳитни ярата олиш зарур.

Агросаноат мажмуига кирувчи тармоқ ва соҳа раҳбарлари учун Қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020 — 2030 йилларга мўлжалланган стратегияси ижросини таъминлаш 2020 йил учун энг устувор вазифа бўлиб қолади. Бунда пахта, галла, шולי кластерларига зарур шароитлар яратиш, янги тизимда юзага келадиган муаммоларни мунтазам таҳлил қилиб, уларни бартараф қилиш лозимлиги қайд этилди.

Агросаноат мажмуига кирувчи тармоқ ва соҳа раҳбарлари учун Қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020 — 2030 йилларга мўлжалланган стратегияси ижросини таъминлаш 2020 йил учун энг устувор вазифа бўлиб қолади. Бунда пахта, галла, шולי кластерларига зарур шароитлар яратиш, янги тизимда юзага келадиган муаммоларни мунтазам таҳлил қилиб, уларни бартараф қилиш лозимлиги қайд этилди.

Шунингдек, хорижий таширлар чоғида эришилган келишувлар ва лойиҳаларни амалга ошириш юзасидан тизимли ишларни ташкил этиб, аниқ натижаларни таъминлаш зарурлиги қайд этилди.

Шунингдек, йиғилишда нефть-газ, кимё тармоқлари, энергетикани ривожлантириш, ушбу соҳаларга хусусий сектор ва инвестицияларни фаол қилиш, хом ашё қазиб олишни кўпайтириш бўйича зарур топшириқлар берилди.

Иқтисодиётимизнинг экспорт салоҳиятини ошириш, экспортнинг таркиби ва географиясини диверсификация қилиш, янги бозорларга чиқиш учун ташқи савдонини тубдан такомиллаштириш талаб этилади. Божхона, стандартлаштириш, карантин каби соҳаларни ислоҳ қилиб, уларни тадбиркорга кўмакчи айлантиришни тақозо этади.

Йиғилишда белгиланган топшириқларни тўлиқ ва сифатли амалга ошириш учун барча раҳбарлар ўз тизимида куйига тушиб, ходимлар ва ресурсларни максимал даражада сафарбар қилиши шартлиги кўрсатиб ўтилди.

Иқтисодиётимизнинг экспорт салоҳиятини ошириш, экспортнинг таркиби ва географиясини диверсификация қилиш, янги бозорларга чиқиш учун ташқи савдонини тубдан такомиллаштириш талаб этилади.

Президентимиз томонидан кўтарилган масалалар юзасидан Олий Мажлис Сенати Раиси ва Қонунчилик палатаси Спикери, Бош вазир ва ҳукумат аъзолари, давлат ва жамоат ташкилотлари раҳбарлари сўзга чиқиб, берилган топшириқларни сифатли бажариш бўйича соҳаларда тизимли ишларни йўлга қўйишларини таъкидладилар.

2020 йилда туристлар оқимини 7,5 миллионга етказиш ва хизматлар экспортини 1,5 миллиард доллардан ошириш бу соҳадаги энг устувор

## Дил сўзи

### Бахти кулган деҳқонман

— Деҳқон дегани доимо ҳисоб-китоб билан юрадиган одам! Ернинг ҳисобини оламиз, уруғликни ҳомчўт қиламиз. Уғиту дорининг мўлжалини қиламиз. Даромадни санаймиз.

Президентимиз Фармони билан юртимизнинг энг юксак унвони — “Ўзбекистон Қаҳрамони” деган номга муносиб кўрилди. Бу — оддий бир аёл, ўзбек деҳқони учун катта бахт, улкан саодат. Мукофотни шахсан, Президентимиз кўларидан қабул қилиб олиш эса 2019 йилдагина эмас, балки ҳаётимдаги унутилмас воқеа бўлиб қолди.

Мана, ҳозир ҳам байрам дастурхони атрофида ўтирдим-у, ортда қолаётган йилни миямда бир сарҳисоб қилиб олдим. Ютуқларим ҳақида рақамлар, мисоллар келтириб, сизни чарчатмай. Фақат ҳаётимдаги унутилмас бир воқеани фахр билан эсга олмасам бўлмайди. Чунки Мустақиллигимизнинг 28 йиллиги арафасида

Лолаҳон МУРОТОВА, Ўзбекистон Қаҳрамони, Олтириқ туманидаги «Нури обод» фермер хўжалиги раҳбари.

# БЮРОКРАТИЯ

Хар бир инсон, керак бўлса, хар бир давлатнинг асосий мақсадларидан бири, шубҳасиз, фаровон ҳаёт, тараққиётни таъминлаш ҳисобланади. Бунга эса, фақат баланларвоз гаплар билан эмас, аввало, шароит, имконият ва қўлайлик яратиш орқалигина эришиш мумкин.

Тан олайлик, кундалик ҳаётимизда одамларга энгиллик беришдан кўра, уларга тўсиқ бўладиган, халақит берадиган омиллар оз эмас. Эътибор берсак, вазириликлар, идоралар, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари, бошқа давлат ташкилотларида эскирган бюрократик усулларда иш юритиш ҳали-ҳануз сақланиб қолаётган эди.

## Муносабат

Муносабат да кўрсатиш сифатини янада такомиллаштириш, маъмурий тартиб-таомилларни қисқартириш, давлат органлари ва ташкилотлари фаолияти самардорлигини ошириш, қисқача айтганда, бюрократик тўсиқларни бартараф этишни кўзда тутадиган бир қатор муҳим вазифаларни ўзида қамраб олган.

Ана шундай бир шароитда Президентимизнинг “Бюрократик тўсиқларни яна-

# ЎЗАРО ИШОНЧ БИЛАН КАТТА МУВАФФАҚИЯТЛАРГА ЭРИШАМИЗ

## ХИТОЙ ВА ЎЗБЕКИСТОН ЎРТАСИДА ДИПЛОМАТИК МУНОСАБАТЛАР ЎРНАТИЛГАНИНИНГ 28 ЙИЛЛИГИГА

### ЦЗЯН Янь, Хитойнинг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва мухтор элчиси:

— 2 январь — Хитой ва Ўзбекистон ўртасида дипломатик муносабатлар ўрнатилган сана сифатида кенг нишонланади. Бу икки томонлама дўстона алоқаларни ривожлантиришни қўллаб-қувватловчи барча учун умумий байрамдир.

### Хамкорлик

28 йил ўтди. Ҳақиқатан ҳам, бу вақт давомида Хитой — Ўзбекистон муносабатлари вақт синибидан ўтди ва соғлом ҳамда барқарор ривожланиш тенденциясини сақлаб қолди. Айниқса, сўнгги йилларда ХПР Раиси Си Цзиньпин ва Ўзбекистон Президентини Шавкат Мирзиёевнинг стратегик раҳбарлиги остида икки томонлама муносабатлар жадал суръатлар билан ривожланмоқда, барча соҳадаги ҳамкорликда катта натижаларга эришилмоқда ва “Бир марказ, бир йўл” лойиҳаси изчил тараққий этмоқда. Хитой — Ўзбекистон муносабатлари аллақачон яқинлик, дўстлик намунасига айланган.

Дунёда мисли кўрилмаган улкан ўзгаришларни бошдан кечираётган мурраккаб ва ўзгарувчан халқаро вазиятга қарамай Хитой — Ўзбекистон муносабатларининг барқарорлиги ҳамда самардорлиги, асосан, қўйидаги омилларга боғлиқ.

### Иккинчидан. Қатъий сиёсий қўллаб-қувватлаш.

Юксалиш ва қайинчиликларни бошдан кечирган қадимий цивилизациялар бўлган Хитой ва Ўзбекистон ўз суверенитети, мустақиллиги ҳамда худудий яхлитлигини кўз қорачиқдек асрайди, ўз ички ишларига бошқа давлатларнинг аралашшига йўл қўймайди, мамлакатлар суверенитети, хавфсизлиги ва манфаатларини илгари суришда бир-бирини қатъий қўллаб-қувватлайди. Хитой томони икки томонлама ва кўп томонлама форматларда Ўзбекистон томонидан кўрсатилган ташаббусларга конструктив хайрихоҳлигини билдирди, Ўзбекистон томонидан танланган тараққиёт йўли, ички ва ташқи сиёсатни оқшайди. Ўзбекистон томони ҳам ҳақиқат томонда туради ва Хитойнинг асосий манфаатларига тегишли бўлган масалаларда адолатга ён босади. Икки мамлакат халқи ташқаридан аралашши ва йирик табиий офатлар қаршисидаги қийинчиликларни ҳаммаши бағрига олаётган ва бир-бири учун туриб берган.

Учинчидан. Икки давлат раҳбарларининг стратегик бошқаруви. Хитой ва Ўзбекистон ўртасида дипломатик муносабатлар ўрнатилганидан бери юксак ҳамда юқори даражадаги алоқалар фаоллашмоқда, бу эса икки томонлама муносабатларнинг тез ва соғлом ривожланишини таъминлашда халқчилуликнинг асосий роли бўлган. Илк мулоқотдаёқ мустақам ишчи алоқалар ҳамда чуқур шахсий дўстликни

ўрнатган ҳолда Раис Си Цзиньпин ва Президент Шавкат Мирзиёев хар йили учрашмоқда ҳамда икки томонлама муносабатларни ривожлантириш, мамлакатни бошқариш, кун тартибидаги халқаро ва минтақавий ҳамда ўзаро манфаатларга тааллуқли бошқа масалалар бўйича чуқур фикр алмашиб келмоқда. Бу Хитой ва Ўзбекистон ўртасидаги турли соҳалардаги ҳамкорлигини хар томонлама ҳамда жадал равақ топтиришда асосий қатламга айланяпти.

Тўртинчидан. Ҳамкорлик сари чин маънодаги интилиш. Хитой ва Ўзбекистонда бир-бирини тўлдирувчи иқтисодиёт ҳамда ҳамкорлик учун улкан салоҳият мавжуд. Ўзбекистон индустриаллашиш ва модернизация сари катта саъй-ҳаракатлар қилмоқда, Хитой эса илгор, самарали ва экологик тоза асбоб-ускуналарни тақдим этиш орқали ёрдам беришга тайёрдир. Ўзбекистон юқори сифатли қишлоқ хўжалиги маҳсулотларига бой бўлса, Хитой улкан истеъмол бозорига эга. Хитой томони ўзбекистонлик шериклари билан амалий ҳамкорликни амалга оширмоқда, хар қандай сиёсий шартларсиз кредитлар ажратиш ҳамда бегараз ёрдам кўрсатаётган, иқтисодий ривожланишнинг тажрибалари ва дарсларини бўлишишга тайёр. Ўзбекистон томони ҳам бунга жавобан шундай хоҳиш-истакларга эгаллигини ҳис этмоқда. Президент Шавкат Мирзиёев топшириғига кўра, Хитой томони би-

лан “Бир мақом, бир йўл” ташаббусини ҳамкорликда амалга ошириш масалаларини тартибга солишчи бошқарма таъсис этилди, Хитой фуқаролари учун визасиз режим жорий қилинди. Икки мамлакат халқлари қалблари тубидаги ўзаро ҳамкорлик қилишга бўлган интилиш икки томонлама муносабатлар раванкига ўчмас туртки берди.

## Президент арчаси:

### ЖАЖЖИ ЮРАКЛАРГА КЎЧГАН ҚУВОНЧ

Мамлакатимизда навқирон авлодни қамолга етказишнинг дастуриламали сифатида илгари сурилган Президентимизнинг беш муҳим ташаббуси, “Ешлар — келажакимиз” Давлат дастури ҳамда “Кўнгли кўзи” сингари қўллаб маърифий лойиҳалар ва амалий чора-тадбирлар замирида, аввало, эртанинг эгаларини барқамол инсонлар қилиб вояга етказиш мақсади мужассам. Бу эса келажакка қўйилаётган мустақам пойдевордир.

### Шуқуқ

Янги йил байрами арафасида кичкинтойларга улашिलाдиган ўқув қуроллари ва турфа ширинликлардан иборат “Президент совғаси” — ана шундай ғамхўрликнинг ёрқин ифодаси.



...Қизалоқ қамалақранг ўйинчоқлар билан безатилган кўркам арча атрофида рақса тушади. Юзиде табассум, нигоҳида қувонч зоҳир. Қўшиқ тугагач, у қарсақлар остида Қорқободан совға олди. Барча хурсанд. Тенгқурлари оқшисига сазовор бўлган бу қизчани суҳбатга тортиқ.

— Исмин Нилуфар, ёшим 10 да, — дейди у. — Айни пайтда Юнусобод туманидаги 9-иҳтисослаштирилган давлат умумтаълим мактабининг 3-синфида таҳсил оляпман. Байрам жуда ажойиб ўтпти. Қорқобо рақса тушиб берганим учун китоб совға қилди. Энди уни таътил вақтида мириқиб ўқийман. Эъзозу эътибор учун тенгдошларим номидан Президент бобомизга миннатдорлик билдираман.

Меҳрдан шодликка тўлган юракларнинг бундай дил изхорлари бисёр бўлди. Кичкинтойларнинг шуқуҳли лаҳзалари тантананинг асосий қисмига уланиб кетди. Саҳнада “Томоша” болалар ижодий гуруҳининг “Биз таратган нури!” номли махсус театрлаштирилган саргузаштлари намойиш этилди. Шеру қўшиқлар айтилди. Давра турли эртак қаҳрамонлари ўйинқулгиси билан қизгандан-қизиди. Хар хил ўйинлар, тез айтишлару топишмоқлар байрамга янада жўшқинлик бағишлади.

“Президент арчаси” тадбирлари мамлакатимизнинг бошқа худудларида ҳам кўтаринки руҳда ўтказилмоқда.

Муҳаммадҗон АҲМАДЖОНОВ («Халқ сўзи»).



Пойтахтимиздаги “Туркистон” саройи. Фойе байрамонга безатилган.

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирилик, “Сен ёлғиз эмассан” Республика жамоатчилиги болалар жамғармаси ва бошқа

Ватанимиз тинчлиги ва хавфсизлиги йўлида қурбон бўлган Ички ишлар, Мудофаа, Фавқулодда вазиятлар вазириликлари ҳамда Давлат хавфсизлик хизмати, Миллий гвардия ходимларининг фарзандлари тақдир қилинган.

# ҳеч қачон, ҳеч кимга фойда келтирмаган

ларини тегишли давлат бошқаруви органларининг худудий бўлиминларига ўтказиш кўзда тутилган. Ўз навбатида, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларининг бир қатор функция ва ваколатлари чиқариб ташланадиган бўлди.

ҳужжатлари билан тузилган алоҳида идораларо коллегалар органларнинг айримлари ваколатларини тегишли давлат органлари ва ташкилотларига ўтказган ҳолда, 2020 йил 1 январдан бошлаб уларни тугатиш кўзда тутилгани ҳам диққатга сазовордир.

Бундан ташқари, маъзур ҳужжатга кўра, 2020 йил 1 январдан эътиборан давлат органлари ва ташкилотларининг 28 турдаги маълумотнома-ҳужжатларни фуқаролардан талаб қилишга, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан уларнинг берилишига йўл қўйилмаслиги қатъий белгиланди.

Умуман, қарор билан бюрократик тўсиқларни қисқартириш ҳамда давлат органлари ва ташкилотлари фаолиятига замонавий бошқарув тамойилларини жорий этишга қатъий қарор қилинган эртанги тараққиётимиз сари ташланган яна бир муҳим қадамлардан бўлди.

## Парламент ҳаёти

### МИЛЛИЙ КОМИССИЯ ФАОЛИЯТИНИНГ ИСТИҚБОЛДАГИ ВАЗИФАЛАРИ БЕЛГИЛАБ ОЛИНДИ

Олий Мажлис Сенатида Одам савдосига ва мажбурий меҳнатга қарши курашиш миллий комиссиясининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди.

Унда Миллий комиссия томонидан жорий йилда амалга оширилган ишлар муҳокама қилинди, шунингдек, унинг фаолиятига оид истиқболдаги устувор йўналишлар ва вазифалар кўриб чиқилди.

Миллий комиссия Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 30 июлда қабул қилинган “Одам савдосига ва мажбурий меҳнатга қарши курашиш тизимини янада такомиллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармони-га мувофиқ тузилгани қайд этилди.

Ўтган қисқа вақт мобайнида Миллий комиссия томонидан аниқ мақсадга қаратилган ишлар олиб борилди. Миллий комиссия ва кичик комиссиялар фаолиятини тартибга соладиган низоомлар тасдиқланди, жойлар-қулгиси билан қизгандан-қизиди. Хар хил ўйинлар, тез айтишлару топишмоқлар байрамга янада жўшқинлик бағишлади.

Миллий комиссия ва унинг кичик комиссиялари, худудий комиссиялар тизимли ишлашини йўлга қўйишга, давлат ташкилотлари ва жамоат ташкилотларининг бу йўналишдаги ҳамкорлигини кучайтиришга қаратилган чоралар кўрилди. Жумладан, 2019-2020 йилларда одам савдосига ва мажбурий меҳнатга қарши курашиш соҳасида давлат органлари фаолияти самардорлигини ошириш бўйича биринчи навбатда амалга ошириладиган чора-тадбирлар режаси тасдиқланди.

Халқаро меҳнат ташкилоти, АҚШ давлат департаменти, “Cotton Campaign” ва “Human Rights Watch” халқаро ташкилотлари тавсияларини инобатга олган ҳолда одам савдоси ва мажбурий меҳнат соҳасида Ўзбекистоннинг позициясини яхшилашга қаратилган “Йўл харитаси” ишлаб чиқилди.

Миллий қонун ҳужжатлари ва ҳуқуқни қўллаш амалиётини такомиллаштириш бўйича муаян ишлар олиб борилди. Жумладан, болалар меҳнати ва мажбурий меҳнатга йўл қўйганлик учун жавобгарликни кучайтириш мақсадида “Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги Қонун ишлаб чиқилиб, ўтган йил 14 декабрда Сенат томонидан маъқулланди.

Бундан ташқари, халқаро амалиётни ҳисобга олган ҳолда “Одам савдосига қарши ку-

рашиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига қўшимча ва ўзгаришлар киритиш ҳақида”ги қонун лойиҳаси ишлаб чиқилди. Мажлис доирасида ушбу қонун лойиҳаси тақдими-ти ўтказилди. Муҳокамада Миллий комиссия аъзолари томонидан билдирилган фикр-мулоҳазаларни ҳисобга олган ҳолда Ички ишлар вазириликка қонун лойиҳасини такомиллаштириш вазифаси юклатилди.

Шунингдек, хорижда бўлган Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишини таъминлаш бўйича амалий чора-тадбирлар дастури ижроси муҳокама этилди. Одам савдосига ҳамда мажбурий меҳнатга қарши курашиш масалалари бўйича кичик комиссияларнинг ҳисоботлари ашитилди.

Миллий комиссия фаолиятида очиқлик ва ошқоралик принципларига риоя этиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди. Одам савдосига ва мажбурий меҳнатга қарши курашиш соҳасида мамлакатимизда олиб борилаётган ишлардан кенг жамоатчилик, шу жумладан, халқаро ҳамжамиятни хабардор қилиш мақсадида тасдиқланган медиа-режа тадбирлари тизимли равишда амалга оширилаётгани таъкидланди. Шунингдек, ушбу йўналишда олиб борилаётган фаолият тўғрисида Ўзбекистон Республикасининг хориждаги ваколатхоналари томонидан халқаро ҳамжамиятни хабардор қилиш ишлари ҳақида ҳам сўз оиртилди.

Шу билан бирга, Миллий комиссиянинг расмий веб-сайтини ишга тушириш зарурлигига эътибор қаратилди.

Муҳокама чоғида билдирилган фикрлар ва тақлифлар ҳисобга олиниб, Миллий комиссия фаолиятининг устувор йўналишлари ва истиқболдаги вазифалари белгилаб олинди.

Тадбирда Миллий комиссия раиси, Олий Мажлис Сенати Раиси Танзила Норбоева иштирок этди.

Мунисхон КАРИМОВА («Халқ сўзи»).

Хорижий мамлакатлар элчилари:

«2020 йилда мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатлар янада ёрқин воқеаларга бой бўлади»

2019 йил мамлакатимиз ҳаётида алоҳида из қолдирди. Айниқса, ташқи сиёсатда Ўзбекистон икки томонлама ва кўп томонлама ҳамкорликни ривожлантириб, янада янги муваффақиятларга эришди.

- 1. Якунига етган 2019 йил мамлакатларимиз муносабатларида қандай из қолдирди?
2. Ўзбекистон халқига Янги йил тилакларингиз.

Янгиланаётган Ўзбекистон одимлари

Владимир ТЮРДЕНЕВ, Россия Федерациясининг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва мухтор элчиси:



Россия делегациясига бошчилик қилди. Икки давлат ўртасидаги парламентларо ҳамкорлик янги босқичга кўтарилаётганига эътибор қаратмоқчиман.

1. 2019 йил Ўзбекистон ҳамда Россия вақт синовидадан ўтган ишончли дўстлар ва ҳамкорлар экани тўғрисидаги ўзаро ишончимизни янада мустаҳкамлади.

Россия делегациясига бошчилик қилди. Икки давлат ўртасидаги парламентларо ҳамкорлик янги босқичга кўтарилаётганига эътибор қаратмоқчиман.

Аваллабор, Россия Федерацияси ҳукумати раиси Дмитрий Медведевнинг май ойидаги ташрифи тўғрисида Россияга амалга оширилган режалаштирилган давлат ташрифи қизгин тайёргарлик кўрмоқчимиз.

Таълим соҳасидаги ҳамкорлик ҳам изчил ривожланмоқда. Ўзбекистонда фаолият юритиб келаётган М. Ломоносов номидаги Москва давлат университети, Г. Плеханов номидаги Россия иқтисодиёт университети, И. Губкин номидаги Россия давлат нефть ва газ университети филиаллари қаторига ММФИ миллий тадқиқот ядро университети, МИСиС — Миллий технология тадқиқотлар университети, Москва давлат халқаро муносабат-

Ёшинори ФУЖИЯМА, Япониянинг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва мухтор элчиси:



1. Ўзбекистон Республикаси Президент Шавкат Мирзиёев 2019 йил 17 — 20 декабрь кунлари Японияга биринчи марта расмий ташрифи амалга оширди.

Ўшбу ташриф натижалари стратегик шериклигимизни янги босқичга олиб чиқди. Бугунги кунда иқтисодиёт ва маданият соҳаларидаги ўзаро ҳамкорлик, айниқса, изчил ривожланмоқда.

Ўшбу ташриф натижалари стратегик шериклигимизни янги босқичга олиб чиқди.

Ўшбу ташриф натижалари стратегик шериклигимизни янги босқичга олиб чиқди.

Маданий соҳада эришилган самаралар ҳақида ҳам кўп гапириш мумкин. Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университетида Марказий Осиёда ягона бўлган Япония тадқиқотлар таҳлилий маркази очилди.

Ўшбу ташриф натижалари стратегик шериклигимизни янги босқичга олиб чиқди.

Меҳмет Сурейя ЭР, Туркиянинг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва мухтор элчиси:



1. 2019 йил Туркия — Ўзбекистон муносабатлари учун бениҳоя унумли давр бўлди.

2019 йилнинг биринчи 10 ойидаги савдо ҳажми аввалги йилнинг шу давридагига нисбатан 26 фоиз ошди.

Икки йил аввал муносабатларимизнинг стратегик шериклик даражасига юқсалиши билан жадаллашган ўзаро мулоқотлар давром эъти.

2019 йилнинг биринчи 10 ойидаги савдо ҳажми аввалги йилнинг шу давридагига нисбатан 26 фоиз ошди.

Стратегик ҳамкорлик Олий кенгаши остидаги бир механизм бўлмиш Стратегик режалаштириш бўйича кўша гуруҳимизнинг 1-йиғилишида Ўзбекистон ташқи ишлар вазирани жано А. Комилов юртимизга ташриф буюрди.

Савдо-иқтисодий муносабатларимиз билан бир қаторда, маданий соҳада ҳам муҳим қадамлар ташладик.

2. Фурсатдан фойдаланиб, Ўзбекистон Республикаси халқини Янги йил билан самимий кутлайман!

Сўнги йиллардаги ўзгаришлар манзарасида, ислохотлар жараёнида ўтаётган Ўзбекистон халқига бардари муносабатларимиз ҳам жабҳада жадал ривожланиб, соғлиқни сақлаш, муҳофаза, ички ишлар, таълим, маданият каби соҳаларда ўзаро делегацияларнинг кўллаб ташрифи амалга ошди.

Президент Шавкат Мирзиёев раҳнамолигида турли соҳаларда амалга оширилган ислохотлар самарасида мамлакат ҳаёти тобора яхшиланаётганини мамнуният билан кузатар эканман, барчага бундан-да фаровон турмуш, ўзаро ҳамкорлигимизга эса янада самарадорлик тилайман!

Халқларимиз ўртасидаги дўстлик ва қардошлик муносабатларининг яна бир аниқ ифодаси сифатида ҳар йили мунтазам равишда ўтказиладиган саломатлик ҳафталиклари юртимизнинг шифокор ва жароҳлари иштирокида ўтган йил янада муваффақиятли ташкиллаштирилди.

Гусейн ГУЛИЕВ, Озарбайжоннинг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва мухтор элчиси:



1. Охириги икки-уч йилда маданий-гуманитар, туризм, хусусий бизнес соҳалари ва сиёсий йўналишда жуда муҳим воқеалар рўй берди.

2019 йилда Бокуда Ўзбекистоннинг Туркий тили давлатлар ҳамкорлик Кенгашига қабул қилиш тартиб-тамоили деярли яқунланди.

Тили давлатлар ҳамкорлик Кенгашининг VII Саммитида иштирок этиш учун Бокуга ташрифи ва Озарбайжон Республикаси Президент Илҳом Алиев билан учрашуви ўзаро алоқаларимизнинг ҳозирги воқеага айланди.

Ҳамид НАЙЙРОБОДИЙ, Эрон Ислום Республикасининг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва мухтор элчиси:



1. Авваллабор Ўзбекистоннинг улуг халқи ва мухтарам раҳбариятини Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ҳамда халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларига сайловларнинг муваффақиятли ўтказилгани билан табриклайман.

Эгадир. Шубҳасиз, икки халқнинг барча соҳада ривожланиб бораётган алоқалари икки давлатнинг тараққиёти ва фаровонлигига хизмат қилади.

Президентининг биринчи ўринбосари Исҳоқ Жаҳонгирий жаноблари Шанхай ҳамкорлик ташкилотига аъзо давлатлар Хукумат раҳбарлари кенгашининг навбатдаги мажлисида иштирок этиш учун Тошкентга келди.

Президентининг биринчи ўринбосари Исҳоқ Жаҳонгирий жаноблари Шанхай ҳамкорлик ташкилотига аъзо давлатлар Хукумат раҳбарлари кенгашининг навбатдаги мажлисида иштирок этиш учун Тошкентга келди.

Эрон Ислום Республикаси ва Ўзбекистон Республикаси ўртасида савдо-иқтисодий ва илмий-техникавий ҳамкорлик бўйича ҳукуматларо комиссияси ўн учинчи мажлисининг ўтказилиши икки мамлакат алоқаларида юз берган ижобий воқеалардан яна бири бўлди.

Эрон Ислום Республикаси ва Ўзбекистон Республикаси ўртасида савдо-иқтисодий ва илмий-техникавий ҳамкорлик бўйича ҳукуматларо комиссияси ўн учинчи мажлисининг ўтказилиши икки мамлакат алоқаларида юз берган ижобий воқеалардан яна бири бўлди.

Ибрагим ЖУНУСОВ, Қирғизистоннинг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва мухтор элчиси:



1. Якунига етган 2019 йилда Ўзбекистон ва Қирғизистон ўртасидаги ҳамкорлик алоқалари янги босқичга чиқди.

Айтиш жоизки, авваллари 15 та назорат пункти бўлган эрса-да, уларнинг биттаси ишларда, холос. Ҳозирги кунда саккизта ана шундай пункт фаолият олиб бормоқда.

2. Янги — 2020 йилнинг кираб келиши муносабати билан Ўзбекистон ҳукумати ҳамда меҳмондўст ва бағри кенг халқини чин юракдан табриқлайман.

Кўллаб қирғизистонликларнинг Ўзбекистонда қариндошлари ва дўстлари бор. Шунинг учун ватандошларининг қўшни республикага ташриф буюришидан қўлағари қариндошларини бориб кўришидир.

Кўллаб қирғизистонликларнинг Ўзбекистонда қариндошлари ва дўстлари бор. Шунинг учун ватандошларининг қўшни республикага ташриф буюришидан қўлағари қариндошларини бориб кўришидир.

# «ЯНГИЛАНАЁТГАН ЎЗБЕКИСТОН ТАРАҚҚИЁТИГА ЎЗ ҲИССАМИЗНИ ҚЎШАМИЗ»

Поёнига етган йил, айниқса, ёшлар ҳаётига ўзгача шуқуқ олиб кирди, десак, муболаға бўлмайди. Янги қонун ва қарорлар, амалга оширилаётган ислохотлар, ўзгариш ва янгиланишларнинг катта қисми ёшлар учун. Бу навқирон авлоднинг эртанги кунга ишончини янада мустақамлаб, юксак марралар сари интилишга ундайди. Буни ёшларнинг қуйидаги дил сўзларидан ҳам англаш мумкин.



**Дилзода ҲАМИДЖОНОВА,**  
Тошкент тўқимачилик ва енгил санаят институти талабаси:

— 2019 йилда кўплаб республика ва халқаро форумларда, мода ҳафталикларидан катнашдим. «Ўзбекистон баҳори — 2019» фестивалида голибликни кўлга киритдим. Йил мобайнида эришган энг катта муваффақиятим, шубҳасиз, Президент стипендианти бўлганлигимдир. Бу ҳаётимда янги саҳифалар очди. Ўз устимда ишлашга, изланишга ундади. Бу йил «Беқасам матосининг хусусиятлари ва уларнинг замонавий либосда қўлланилиши» мавзудаги илмий изланишларимни муваффақиятли тамомлашни ва кенг жамоатчиликка тақдим этишни режалаштирганман.

**Юлдуз ЎРМОНОВА**  
(«Халқ сўзи») ёзиб олди.

## Дил сўзи



**Темур ГИЁЗОВ,**  
Енгил атлетика бўйича халқаро тоифадаги спорт устаси, Ўзбекистон миллий Паралимпия терма жамоаси аъзоси:

— Саккиз йилдан буён енгил атлетика спорт тури билан шуғулланаман. Йил мобайнида турли мусобақалар, тадбирларда иштирок этарканман, асло ҳаракатдан тўхтамадим. Ўз устимда тинимсиз ишладим. Жакарта шаҳрида ўтказилган Парасиё ўйинларида қатнашганимда ва олтин медални кўлга киритганимда меҳнатларим, албатта, ўз мевасини беришига ишончим янада ортди. Бирлашган Араб Амирликларида ўтказилган Жаҳон чемпионатида муваффақиятли иштирок этиб, 2020 йили Токиода бўлиб ўтадиган ёзги Паралимпия ўйинлари йўлланмасини кўлга киритдим. Янги йилдан умидларим катта. Насиб бўлса, Ватанимиз байроғини яна юксакларга кўтараман.

**Шоҳжаҳон ЭЛМУРОДОВ,**  
Чжэцзян педагогика университети магистранти (Хитой):



— 2019 йилда кўлга киритган энг катта ютуғим грант асосида хориз университетида таълим олиш имкониятини кўлга киритганлигимдир. Ўзбекистон журналистика ва оммавий коммуникациялар университети ҳамда мамлакатимиздаги Хитой Халқ Республикаси элчихонаси ҳамкорлиги самараси ўлароқ бугунги кунда жаҳоннинг нуфузли олий ўқув юртидан бирида таҳсил оляпман. Бу ерда юзга яқин ўзбек ёшлари билан турли йўналишларда ўқиямиз. Барчамизнинг ниятимиз бир: замонавий билимларни эгаллаб, она Ватанимизга қайтиш ва янгиланаётган Ўзбекистон тараққиётига ўз ҳиссамизни қўшишдир.

Реклама ўрнида

**ЯНГИ ЙИЛИНГИЗ БИЛАН!**

Хурматли юртдошлар, азиз тадбиркорлар!  
«Ўзчармсаноат» уюшмаси  
2020 йил билан  
барчангизни муборакбод этади.

Ушбу йилда ҳар бир ватандошимизга  
янги марраларни забт этишда,  
мамлакатимизнинг ижтимоий ва иқтисодий  
ҳаётида улкан зафарлар ёр бўлсин!

Хонадонингизга тинчлик ва файзу барака  
тилаймиз. Ҳамиша соғ-саломат бўлинг!  
Гўзал ва бетакрор юртимиз тинч-осойишта,  
олижаноб ва бағри кенг халқимиз  
ҳамиша омон бўлсин!

@uzcharmsanoat  
www.uzcharm.uz

**«ASL OYNA» МЧЖ**

Жамоаси барча  
юртдошларимизни кириб келган  
**Янги — 2020 йил**  
билан самимий қутлайди.

Сиз, азизларга  
муштақам  
соғлиқ,  
оилавий  
хотирэсамлик  
ва фаровонлик  
тилайди.

**Байрам муборак бўлсин!**

**Uzkimyosanoat**

**«Ўзкимёсаноат»**  
акциядорлик жамияти  
халқимизни

**Янги йил байрами билан**  
чин юракдан тадбирклайди.

Ушбу йил халқимизга  
бахт ва омад олиб келсин.

2020 йилда барча эзгу ниятлар  
ижобат бўлсин.

**Байрам қутлуғ келсин, азизлар!**

**Халқ сўзи**  
Народное слово

**Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ**

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 156. 60 552 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ, Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нарҳда.

ТАХРИРЯТТА КЕЛГАН ҚЎЛЪМЛАР ТАҚРИЗ ҚИЛИНМАЙДИ ВА МУАЛЛИҒА ҚАЙТАРМАЙДИ.

Газетанинг сўзга берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жаобгар.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

**• МАНЗИЛИМИЗ:**  
100000,  
Тошкент шаҳри,  
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.  
Навбатчи муҳаррир — Д. Солиқов.  
Мусаҳҳиҳ — С. Исломов.

МУАССИСЛАР:  
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси  
Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси  
Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва  
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Газетанинг ҳақидаги маълумотларни кўлаб олиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.

**ТЕЛЕФОНЛАР:**  
Девонхона 71-233-52-55;  
Котибият 71-233-10-28; Эълонлар 71-232-11-15.

ISSN 2010-4788

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили:  
Буёқ Турон кўчаси, 41. ЎЗА яқуни — 20.00 Топширилди — 20.50 1 2 3 4 5 6